

ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.М. Юсупов

Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси

М.Р. Мамадалиева

Қўқон университети магистранти

Аннотация. Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришида узлуксиз педагогик амалиётнинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг шаклланишида мазкур амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ўқув амалиёт, касбий компетентлик, услубий таъминот, интеграция.

Abstract. The article discusses the role and importance of continuous pedagogical practice in the formation of professional competence of future teachers, as well as the specific features of this practice in the formation of primary school teachers.

Key words: educational practice, professional competence, methodological support, integration.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожланган мамлакатлар таълим сифати даражасига кўтариш ва 2030 йилгача жаҳон миқёсида нуфузли ўринларни эгаллаш давлатнинг таълим олдида қўйган долзарб вазифаларидан бири саналади. Бундай улкан вазифаларни амалга ошириш таълимга катта инвестиция киритишни ва юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни, таълим мазмунини бугунги кун ижтимоий - иқтисодий талаблари асосида ислоҳ қилишни ҳамда жамиятда ўқитувчи нуфузини оширишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 20 декабрдаги мамлакат парламентида йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилганлиги бу вазифанинг долзарблигини кўрсатади. Президент ўз нутқида “Биринчи навбатда эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз. Нажот - таълимда, нажот - тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларимизга билим ва тарбия туфайли эришилади” деб таъкидлаб ўтади.

Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлиги даражасини ошириш, таълим-тарбия жараёнида эркин ва аниқ фикрловчи, янги таълим-тарбия технологияларини мустақил амалиётга татбиқ эта оладиган педагогни тайёрлаш бугунги шиддат билан тараққий этиб бораётган ижтимоий жамиятнинг ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Агар бу муаммони ҳал

этилса биринчидан, касбий компетентли ўқитувчи ўқув-тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади; иккинчидан, ўз касбий фаолиятида энг яхши натижаларга эришади; учинчидан, ўз касбий имкониятларини амалиётга татбиқ этиш кўникмасига эга бўлади. Айниқса, ҳозирги кун таълим муҳитига янгиликларнинг кириб келиши, таълим мазмуни, метод ва шаклларининг, таълим сифатига қўйилган талабларнинг ортиб бориши, дарс таркибининг мураккаблашиб бориши – доимий касбий компетентликни ошириб боришни ва бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантириб боришни юзага чиқармоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни илк касбий компетентлигини шакллантиришда таълим дастурининг ажралмас қисми бўлган малакавий (ўқув) амалиёт ҳам муҳим ўринга эга. Ўқув амалиёти даврида талаба аудиторияда назарий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш билан бирга малака талабларида белгилаб берилган умуммаданий, умумкасбий, касбий в.б. компетенцияларни ҳамда кўникмаларни эгаллайди. Ўқув амалиётини ўташ даврида талабанинг ўзлаштириши зарур бўлган компетенцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

УК-1 ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий – гуманитар билимлардан фойдалана олиш кўникмаси;

УК- 4 шахслараро ва маданиятлараро ўзаро муносабатни ҳал қилиш учун ўзбек ва чет тилларида (оғзаки ва ёзма шаклда) мулоқат қила олиш кўникмаси;

УКК-1 бўлажак касбининг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш, касбий фаолиятни амалга оширишда мотивацияни эгаллаганлик;

КК-1 ДТС талабларига мувофиқ фан дастурлари бўйича таълимни амалга оширишга тайёрлик.

Ушбу компетенцияларни эгаллаган талаба қуйидагиларни:

УК-1 бўйича билиб олади:

- фалсафий ва ижтимоий – гуманитар категорияларни ва концепцияларни; кўникмага эга бўлади:

- ўқув дастуридан ташқаридаги фанларни ўзлаштиришда фалсафий ва ижтимоий-гуманитар билимларни қўллайди;

ўзлаштириб олган:

- илмий дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий-гуманитар билим асосларини.

УК-4 бўйича:

- шахслараро ва маданиятлараро ўзаро муносабатларни ҳал этишда ўзбек ва чет тилларини етарли даражада билади;

- шахслараро ва маданиятлараро ўзаро муносабатларда оғзаки ва ёзма шаклда мулоқот қилиш кўникмаси бор;

- шахслараро ва маданиятлараро ўзаро муносабатларда оғзаки ва ёзма шаклда мулоқот қилиш кўникмаси эгаллаган.

Аниқ бир компетенцияни шакллантириш учун шу компетенцияга тааллуқли етарли даражада шароит бўлиши талабанинг ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўзи танлаган касбга мослашиши учун самарали омил бўлиб хизмат қилади. Компетенциялар талабанинг илк ОТМ га келган вақтига нисбатан тизимли равишда ўқув предметлари (маъруза, семинар ва амалий машғулотларда) ва ўқув амалёти давридаги эгаллаган тажрибалари натижасида ривожланиб, тўлдирилиб, кенгайиб ва мустаҳкамланиб боради. Амалиёт жараёнида юқори натижаларга эришиш 1-курснинг биринчи семестрида ўқитилган мажбурий ва танлов фанлар (“Мутахассисликка кириш”, “Бошланғич таълимда тарбия”, “Умумий психология”, “Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти” в.б.) нинг мазмуни билан узвий боғлиқ бўлади. Амалиётчиларнинг ўқув амалиётида ушбу фанлар асосида эгаллаган БКМ лари келгуси семестр ва курсларда ўтиладиган фанларнинг мазмунини англаб ўзлаштиришига, дастлабки касбий кўникмаларни эгаллашлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг билан бирга талабада педагогик касбий маҳоратнинг ривожланиб бориши, юқори даражада ўз-ўзини касбий фаолиятга жалб эта олиши, индивидуал ўзига хос касбга меҳр, индивидуал фаолият усуллари билан ажралиб туради.

ОТМ ларда замон талабларига мос келувчи педагогик кадрлар тайёрлашда янгича ёндашув, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини оширишга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқитишда қуйидаги усул ва услубларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

- маъруза машғулотларини интерфаол муаммоли шаклда ташкил этиш, айниқса, дарс давомида “савол-жавоб” методидан фойдаланиш; ушбу мавзунинг бирор режаси бўйича талабалар томонида тайёрланган қисқа тақдимотлардан фойдаланиш в.б.;

- семинар ва амалий машғулотларда талабалар мутахассисликка оид масалаларни ҳал қилишда ўзларининг мустақил равишда тайёрлаб келган ишланмаларини намойиш этиш учун мароқ билан ишлайдиган “доира столи”, “ўқув устахонаси” каби шакллари татбиқ этиш; баҳ с-мунозара, педагогик вазиятларни таҳлил қилиш учун кейс-стадий, видео лавҳалардан фойдаланиш;

- талабаларнинг фаоллигини, ижодкорлигини, креативлигини ривожланишига олиб келувчи ОТМ ларнинг ўқув - тарбия жараёнларида ролли ва ишбилармон ўйинлари, кейс, “ақлий хужум” методлардан фойдаланиш;

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш учун машғулотларни семинар-тренинг, мастер-класс, семинар-практикум шаклида ташкил этиш;

- маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда электрон таълим ресурслари, мультимедия воситалари, талабаларга таянч маъруза машғулотларининг электрон ва ЎУМ ларини тақдим этиш, Интернет манзиллари ва сайтларни аниқ бериб бориш;

- айрим амалий машғулотларда имитация, рефлексия, релаксация элементларидан фойдаланиш;

- талабаларнинг эришган ютуқларини назорат қилиш ва объектив баҳолашга янгича ёндошувнинг татбиқ этилиши унинг ишончлилигини ва ишонарлилигини таъминлайди.

Инновацион таълим методлари ҳақида фикр билдирганда таълим жараёнида талабалар билан гуруҳли иш шаклларида фойдаланиш имкониятларининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, ҳозирги кунда ўқитиш тизимида сингапурча “кооператив таълим методлари” нинг таълим жараёнида кенг қўлланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу метод гуруҳли ишлаш шаклига асосланган бўлиб, талабалар учун психологик қулай, хавфсиз муҳит, турли хил таълим шакллари қўллаш билан фарқланади. Кооператив метод яхши ўйланган гуруҳли иш шаклига эга бўлиб, таълим жараёни босқичларга асослангани ва йўриқномаларнинг бажарилишидаги аниқлик унинг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Кооператив методнинг асосий мақсади талабаларда танқидий фикрлашни ва ижодий тафаккурни ривожлантиришни назарда тутаяди. Шунинг билан бирга кооператив усулда ўқитиш талабаларнинг амалий машғулотлардаги топшириқларни бажаришлари учун самарали восита бўлиш билан бирга уларни мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боришлари ва муаммоли топшириқларни, турли кўринишдаги лойиҳавий ишларни бажаришларига ундайди. Энг муҳими шундаки, кооператив метод қўлланганда ўқитувчининг дарс жараёнидаги вазифаси ўзгаради. Бу ерда у фасилитатор вазифасини бажаради: муаммоли вазиятлар (кейслар ёрдамида) ни ҳал қилишда талабаларни мустақил ишлашга жалб қилган ҳолда ечимни ўзлари излаб топишларини кузатиб боради, таълим жараёнини назорат қилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбга тайёрлашда сингапурча ўқитиш тизимидан фойдаланишнинг аҳамиятли томони шундаки, ушбу метод ҳозирги кун бошланғич синфларини ўқитишда ўзининг турли таълим шакллари дидактик, ролли, имитацион ўйинларнинг уйғунлашган ҳолда кенг қўлланилиши билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида бошланғич таълим соҳасида бўлғуси касбий етук мутахассисларни тайёрлаш мазмунини замон талаблари даражасида такомиллаштириш қуйидаги йўналишлар билан белгиланади:

- барча ўқув бўлимлари доирасида талабаларнинг индивидуал таълим ҳаракатларини лойиҳалаш ва амалга ошириш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкилий-ахборот ва техник шарт-шароитларни яратиш;

- иқтидорли талабаларни индивидуал ривожлантиришнинг шахсий-касбий дастурини ишлаб чиқиш;

- талабаларнинг мустақил ишларида шахсий тадқиқотчилик фаолиятларига урғу бериш;

- амалиёт билан уйғун дарс машғулотлари шаклини қўллаш: давра столи, мастер-класс, тренинг в.б.;
- малакавий амалиётнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш;
- илмий-тадқиқот ишларига айнан шу соҳа профессор-ўқитувчиларини жалб этиш;
- ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Баева, Г.И. Формирование теоретических основ профессиональной компетентности будущего педагога. Методическая разработка Электронный ресурс. Режим доступа: <http://revolution.allbest.ru/>. 18.04.2009.
2. Байденко, В.И. Болонские реформы: некоторые уроки Европы Текст. / В.И. Байденко // Высшее образование сегодня. 2004. - № 2. — С. 14 — 19.
3. Башкатов И. П., Сергеева Т. А. Механизмы внедрения инноваций в практику профессионального образования столицы // Профессиональное образование. Столица (прил. «Научные исследования в образовании»). -2011. - № 9. - С. 13-18.
4. Бережнова Е. В. Основы учебно-исследовательской деятельности студентов: учебник. - М.: Просвещение, 2006. - С. 195.
5. Вилькеев, Д.В. Формирование профессионального мышления у студентов педагогического вуза Текст. / Д.В. Вилькеев // Формирование и развитие профессионального сознания студентов / Под ред. Г.В. Аكوпова. Самара: ГПИ, 1991.- С. 68-75.
6. Yusupov, M. M. (2021). Educational Practice as a Tool in the Formation of Professional Competence of Future Primary Education Teachers. *International Journal on Orange Technologies*, 3(4), 301-305.
7. Nizamova, S. U., Isakov, S. Z., & Yusupov, M. M. (2022). Historical And Linguistic Study Of Uzbek Nicknames. *Journal of Positive School Psychology*, 150-158.
8. Yusupov, M. M. (2022). The issue of scientific and methodological support of students during the period of continuous educational practice. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 209-213.
9. Mamadalievich, Y. M., & Shaxzoda, N. (2022). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASH. ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR, 149-151.
10. Tolipov, R., & Yusupov, M. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE FORM OF EDUCATION IN IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE LESSON. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1633-1637.

11. THE NEWSPAPER" SADOI FERGHANA" IS THE NEWSPAPER OF THE FERGANA REGION YM Mamadalievich, TR Mamasolievich Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10 (12), 1236-1240

12. Umidjon, A., & Oghiloy, M. (2023). SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASES OF ORGANIZING EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 3(29), 332-337.

13. Umidjon, A., & Sevara, U. (2023). EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM IN THE PROCESS OF CLASSROOM AND EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES, 2(24), 255-259.

14. Umidjon, A., & Shokhista, M. (2023). THE NATURE AND TASKS OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(20), 232-237.

15. Абдурахманов, У., Тошматова, О., & Мелиева, Х. (2022). Umumta'lim maktablarida matematika fanini o'qitishning zamonaviy didaktik vositalari va muammoli ta'lim texnologiyasi. Общество и инновации, 3(3/S), 231-238.

16. Sh, A. U. (2022). The main approaches to the formation of the control action in younger schoolchildren in the process of teaching mathematics. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 142-150.

17. Shoqosim o'g'li, A. U., Xafizaliyevna, M. X., & To'lqinjon, G. O. (2022). MODERN DIDACTIC MEANS OF TEACHING MATHEMATICS IN SECONDARY SCHOOLS AND PROBLEM EDUCATIONAL TECHNOLOGY. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(4), 460-467.

18. Абдурахмонов, У. Ш. (2022, December). О ПОСТАНОВКЕ И ИССЛЕДОВАНИЮ ОДНОЙ КРАЕВОЙ ЗАДАЧИ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ С ТРЕМЯ ЛИНИЯМИ ИЗМЕНЕНИЯ ТИПА. In E Conference Zone (pp. 118-121).

19. Абдурахмонов, У. Ш. (2022). О КРАЕВОЙ ЗАДАЧЕ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ. Conferencea, 202-206.

20. Abdurahmonov, U. (2022). FUNKSIYA HOSILASI GEOMETRIK VA MEKANIK MA'NOLARI. Журнал интегрированного образования и исследований, 1(6), 135-138.

21. Abdurahmonov, U. (2022). EKSTREMAL MASALALARNI YECHISHDA TENGSIZLIKLAR USULIDAN FOYDALANISH. Eurasian Journal of Academic Research, 2(12), 1239-1242.

22. Shoqosim o'g'li, A. U., Rahimovna, T. O. R., Mamasiddiqovna, A. N., Mamasoliyevich, T. R., & Roxataliyevna, A. N. (2022). Technologies For Improving The Quality Of Educational Results Of Schoolchildren By Developing A Personalized Model Of Teaching Mathematics Through Interactive Stories. *Journal of Positive School Psychology*, 6(11), 1354-1365.

23. Shoqosim o'g'li, A. U. (2022). The importance of didactic games in teaching mathematics in secondary schools. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1566-1570.

24. Abdurahmanov, U. S. (2023). Application of Modern Information Technologies in Teaching Mathematics in General Education Schools. *INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION*, 2(3), 20-24.

25. Abduraxmonov, U. S., & No'monova, D. (2023). UMUMTA'LIM MAKTABLARI MATEMATIKA DARSLARIDA ZAMONAVIY DIDAKTIK VOSITALARINING QO 'LLANILISHI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(9), 160-165.

26. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Technology of Critical Thinking in Russian Language and Literature Lessons in 5-6 Grades. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 64-68.

27. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Informative-Target Analysis. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 69-71.

28. Isroilova, G., & Abdurahimov, S. (2021, December). The socio-political activity of the youth of Uzbekistan. In *International conference on multidisciplinary research and innovative technologies (Vol. 2, pp. 231-235)*.

29. Абдурахимов, Ш. А., Файзрахманова, А. А., & Шанина, Ю. А. (2020). ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧИТЕЛЯ-СЛОВЕСНИКА. In *Система непрерывного филологического образования: школа–колледж–вуз. Современные подходы к преподаванию дисциплин филологического цикла в условиях полилингвального образования (pp. 2-8)*.

30. Абдурахимов, Ш. А. (2022, December). АНАЛИЗ ВИДОВ ЛЕКЦИЙ И ТЕХНОЛОГИЙ ОРГАНИЗАЦИИ НА ЭТАПАХ ОБУЧЕНИЯ. In *E Conference Zone (pp. 34-41)*.

31. Sh, A. (2022). ISSUES OF FORMATION OF THE CENTER FOR MASTERING FOREIGN EDUCATIONAL PROGRAMS THAT FORM CIVIL EDUCATION IN STUDENTS IN THE SYSTEM OF PRIMARY EDUCATION IN UZBEKISTAN. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).

32. Sh, A. (2022). SOCIAL ORIENTATION AND INTEGRITY OF EDUCATION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 234-237.



33. Shokosim, A. (2022). THE ROLE OF THE FAMILY IN RAISING A HEALTHY GENERATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1113-1116.

34. Shokosim, A. (2022). PSYCHOLOGY OF FAMILY AND FAMILY RELATIONS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1284-1287.